O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAVOIY VILOYATI
KONIMEX TUMANI
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА КАНИМЕХСКОГО РАЙОНА
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Konimex tumani, Konimex sh., Abay, 13 | Канимехский район, пгт.Канимех, ул.Абая,13

2019 y.(g.) “28” января № К-45

Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3699-сонли қарорининг 4-иловаси билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашнинг Ахборотномаси, 1993й, 9-сон, 320-модда) 6,25-моддаларига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Туманда 2019 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 1-иловага, қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини

техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман Қишлоқ хўжалиги бўлими (М.Ачилов), Бош прокуратура ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси Конимех тумани бўлими билан биргаликда:

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахслар (мулкдор)га техникаларини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўрик ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юбориш;

техник кўрикдан ўтмаган ёки техник кўрикка тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма бериш;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўрикдан ўтказмаган тақдирда ҳамда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, асбоб-ускуналардан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, сақлаш, ҳисобдан чиқариш, таъмирлаш, техника хизматлари кўрсатиш ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли чораларни кўриш учун туман ҳокимлигига юбориш;

техник кўрикдан ўтказилганлиги учун йиғим ундирилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3699-сонли қарорининг 4-иловаси билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомда белгиланган миқдорларга қатъий риоя қилиш топширилсин.

3. Мазкур қарор "Кенимех таны" газетасида расман эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими **М.Эгамқулов**



Туман ҳокимининг
2019 йил 28 январдаги
45-сонли қарорига

1-илова

Туманда 2019 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш
ИШ РЕЖАСИ

№	Техника номи	Техника русуми	Техник кўрикдан ўтказиш муддати	Техник кўрикдан ўтказиш манзили	Техник кўрикдан ўтказиш санаси
1	Ҳайдов тракторлари	Магнум, Арион-630, TS-135, ВТ-150, Т-60.70 ва бошқалар	09:00-16:00	Туман "Агросервис" МТП МЧЖ ва фермер хўжаликлари	02.06.2019 йил
2	Чопиқ тракторлари	ТТЗ-80-11, МТЗ-80, ТТЗ-100-11, Т-28х4МС1	09:00-16:00		02.03.2019 йил
3	Транспорт тракторлари	МТЗ-82, ТТЗ-80-10, Т-28х4МС1	09:00-16:00		15.06.2019 йил
4	Трактор тиркамалари	2ПТС-4-793 А	09:00-16:00		01.08.2019 йил
5	Ғалла ўриш комбайнлари	Кейс, Класс	09:00-16:00		10.02.2019 йил
6	Культиваторлар	КХУ-4	09:00-16:00		02.03.2019 йил
7	Мелиоратив техникалар	ЭО-652, ЭО-4111, ЭО-3211	09:00-16:00		01.06.2019 йил
8	Пахта экиш сеялкалари	Кейс, стх-4	09:00-16:00		24.02.2019 йил
9	Ер текислагич	П-4	09:00-16:00		27.02.2019 йил
10	Омочлар	ПЯ-3-35, ПОН-3+1 ва бошқалар	09:00-16:00		02.06.2019 йил
11	Чизеллар	ЧКУ-4 А	09:00-16:00		28.02.2019 йил
12	Тишли бараналар	БЗ-1,0	09:00-16:00		28.02.2019 йил
13	Пушта олгичлар		09:00-16:00		28.02.2019 йил
14	Пуркагичлар	ОВХ-600, ВП-1	09:00-16:00		26.03.2019 йил
15	Минерал ўғит сепгичлар	НРУ-0,5	09:00-16:00		26.03.2019 йил
16	Ўт ўргичлар	Кир-1,5	09:00-16:00		20.04.2019 йил
17	Юклагичлар	LW-500F, XG-955H	09:00-16:00		01.06.2019 йил
18	Ғалла экиш сеялкалари	С3-3,6	09:00-16:00		10.06.2019 йил
19	Машина-трактор парклари ва устахоналарнинг асбоб-ускуналари	вд-201, 1м63н, 21н16м, тд-317, м-2888, нт-350	09:00-16:00		10.06.2019 йил

Туман ҳокимининг
2019 йил 28 январдаги
4 -сонли қарорига
2-илова

Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссияси таркиби

Л.Мирзаев	-	Бош прокуратура ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси Конимех туман бўлимининг катта инспектори, **ишчи гуруҳ раҳбари**
Ғ.Тулаев	-	Туман “Агросервис” МТП МЧЖ раҳбари, **ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари**
С.Қудратов	-	Туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, **ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари**

А Ъ З О Л А Р И

М.Ачилов	-	Туман Қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи
А.Азирбаев	-	Туман Фермер,деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқа ер эгалари кенгаши раиси
Ғ.Шодмонов	-	Туман ИИБ ЙҲХБ бошлиғи
А.Турсунов	-	АТБ “Агробанк” туман филиали бошқарувчиси
И.Нурназаров	-	Туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи
Ж.Қурбанбаев	-	Туман Статистика бўлими бошлиғи
Ф.Буриев	-	Туман Давлат хизматлари маркази директори